Ислом КАРИМОВ:

Ўз она-Ватанига қўл кўтарган одам одамми?! Бегуноҳ инсоннинг ҳаётига зомин бўлган одам одамми?!

«Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда»

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти Президентимиз Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларини «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» номи билан ўзбек ва араб тилларида нашрдан чиқарди.

Президентимиз ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоб берар экан, шу йилнинг 16 февралида Тошкентда рўй берган фожиа муносабати билан айрим ахборот воситаларининг воқеага бир томонлама ёндошганларига алоҳида эътиборни қаратади. Ва «асоссиз фикрлар, бир ёқлама қарашлар, енгил-елпи хулосалар бизнинг тарихимизни, бугунги кунимизни, миллий хусусиятларимизни, дини исломнинг Ўзбекистон ҳаётидаги аҳамиятини билмайдиган муайян сиёсий ва моддий манфаатларни кўзлаган» муаллифлар иши эканини айтади. Юртбошимиз энг қалтис ва мураккаб замонларда ҳам муқаддас динимизни дил тўрида сақлаб келганимизни, диний туйғулар, исломий тарбия бутун вужудимизга сингиб кетганлигини ва ҳар доим Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда эканлигини алоҳида таъкидлайди.

«Мен ҳам шу халқнинг бир фарзандиман, шу миллатнинг бир ўғлиман, — дейди Ислом Каримов. — Алҳамдулиллоҳ, бир мусулмон фарзанди сифатида халқимга хос исломий тушунча ва туйғулар менинг ҳам қалбимда, юрагимда барқарор ва мен бу дунёю у дунё ўз эътиқодимдан қайтмайман».

Президентимиз ўз жавобларида ислом дини билан ислом фундаментализми бутунлай бошқа-бошқа тушунчалар эканига, уларни фарқлаш заруррлигига алоҳида эътибор қаратиб, бу хусусдаги қатъий фикрларини бутун дунёга маълум қилди: «Мен Ўзбекистон раҳбари сифатида қандайдир ёвуз кучлар муқаддас ислом динимизни, ота-боболаримиз эътиқодини, мусулмон фуқароларимизни таҳқирлашига, жамиятимиз ҳаётига ҳавф туғдиришига ҳеч қачон йўл қўймайман».

Юртимизда бунёдкорлик ишларида фаол қатнашаётган, давлатимиз сиёсатини қўллаб-қувватлаётган, ҳар ибодатида Ватанимиз ва унинг толмас, фидойи раҳбари тинчлиги, халқимиз омонлигини Яратгандан илтижо қилиб яшаётган миллионлаб соф ниятли мусулмонлар бор.

Президентимиз китобда алоҳида таъкидлаганларидек, «биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Шу билан бирга, муқаддас динимиз шаънига доғ туширмоқчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон муроса қилолмаймиз».

Китоб кўп минг нусхада ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида чоп этилди.

(ЎзА)

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 11 март, пайшанба • № 30 (24.425).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Оллоҳ қалбимизда

Заминга фарзанддир ҳар бир қаро кўз,
Тинч-тотув яшамоқ ёлғиз муддао.
Тинчлик эрур, дўстлар, Ислом деган сўз,
Унда мужассамдур башарий маъно.

Улуғ ҳикматларга ёр бўлсин ҳар ким,
Мулло Абдулғани руҳи барқарор.
Қуръони каримдан калима Карим,
Боқий шажарага мангу яловдор!

Истиқлол! Йўлбошчинг—муҳтарам сарвар,
Миллатга фарзанддир, халқимга Ота.
Зулм-зулматларни этар мунаввар
Исми-шарифининг маъноси ҳатто!

Мудҳиш бир ҳодисот қалқитди юртни,
Ҳамон юрагимда ларза, нафрат, оҳ.
Оллоҳни қалбида асраган Зотни
Асради! Асрагай ўзи ҳам Оллоҳ!

Азим СУЮН

Тарих ғилдираги ортга қайтмайди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовга!

Яқинда матбуотда эълон қилинган «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбири саволларига жавобларингизда ҳам: «Демак, дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди», — деган фикрни билдирдингизки, бутун халқимизнинг фикри ҳам шундай.

Қодир Оллоҳи зулжалол нималарга қодир эканлигини кўрсатиб, азиз бошингизни омон сақлаб қолганлигини асло тасодифий деб бўлмайди. Оллоҳ ўзи яхши кўрган бандасини эса ҳеч қачон қабоҳат аҳлига хўрлатиб қўймайди! Ахир, Сизнинг фавқулодда заковат ва жасоратингиз туфайлигина қўлга киритилган буюк Истиқлолимиз самараси ўлароқ бугун Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти ўртасида бўй кўрсатиб, бошимизни янада сарбаланд қилаётганлигини ким билмайди дейсиз, Сиз олиб бораётган оқилона ички ва ташқи сиёсат жаҳоннинг деярли барча ривожланган давлат бошлиқлари томонидан қайта-қайта эътироф этилаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Сиз, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Ўзбекистондаги фуқароларга «Мустақил Ўзбекистон фуқароси» деган олий мақом берган беназир, қадри баланд Инсонсиз. Сиз Ўзбекистонда яшовчи барча халқларга ўз маънавиятини, умуминсоний қадриятларини қайтариб бериб, икки дунё саодатига дахл бўлганлигингиз қуёшдай равшан гап. Шуни яна очиқ-ойдин айтиш керакки, бирон бир давлат раҳбари маънавиятга сизчалик ғамхўрлик қилаётганлигини кўрганимизгина эмас, ҳатто эшитганимиз ҳам йўқ. Бинобарин, Биз Сизга узоқ-узоқ йиллар юртимиз, халқимиз бахтига омон бўлишингизни тилаб, давлатимизни буюклик мақомига ҳам ўзингиз етказиб беришингизни умид қиламиз.

«Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда»

Яқинда матбуотда эълон қилинган «Февраль воқеалари» сарлавҳали мақолани ўқиб, сўқир ғанимларга айтадиган икки оғиз сўзимиз бор: Эй сиз, гўзаллик, озодлик душманлари, шуни яхши билиб олингларки, бугун бутун Ўзбекистон халқи содир бўлган мудҳиш воқеалардан кейин муҳтарам Президентимиз атрофига янада маҳкамроқ жипслашиб, юртимизни тезроқ буюк давлатга айлантириш учун бутун кучғайратларини сарфлайверадилар. Ниқобингизни ўз қўлингиз билан ўзингиз йиртдингиз. Хомтама бўлманг, газандалар: тарих ғилдираги ҳеч қачон ортга қайтмайди!

Муҳаммаджон МАДҒОЗИЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент.
Алишер ИБОДИНОВ,
журналист.

Қадрлаган қадр топар

Хонадонда фарзанд туғилса, ёр-биродарлар, қариндош-уруғлар «Умри, ризқи билан берган бўлсин!» деб эзгу ниятни айтишади. Давраларда яхши бир гап айтилса, «Худо хоҳласа» деган калом янграйди. Ҳаммаси оддий гаплардай туюлади. Лекин, бу сўзларнинг мағзини чақиб кўрсангиз мусулмончиликнинг, Оллоҳни танишнинг бир кўриниши эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Юртбошимизнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбири саволларига жавобларини ўқиганда беихтиёр шундай фикрлар хаёлимдан ўтди.

Мен ўз ҳаётим давомида меҳр ва қадрнинг баҳосини қалбимдан ҳис қилиб келаяпман. Отам иккинчи жаҳон уруши ногирони, онамни эслолмайман. Ўттиз саккиз йил муқаддам менга ҳарф ўргатган муаллимамизни онамдай кўнглимга яқин тутганман. Бундай ҳиссиётлар, эзгу хислатлар қон-қонимизга сингиб кетган мусулмончилик туфайли шаклланган-дир. Мустақилликка эришганимиздан кейин муқаддас анъана ва қадриятларимиз муносиб баҳосини оляпти, ватандошларимизнинг диний эҳтиёжларини эмин-эркин адо этиш учун барча шароит яратиляпти. Бунинг учун кўнгилда эзгу ниятни жойлаган ҳар бир фуқаро Президентимиздан миннатдор бўлмоқда. Айни пайтда муқаддас Ислом динимизни, ота-боболаримиз эътиқодини таҳқирлаган ёвуз кучларга табаррук тупроғимизда жой йўқ, деган сўзни қатъий айтишяпти.

Холмўмин ТОВБАЕВ,
Оқдарё туманидаги
«Оқдарё» ширкатлар
уюшмаси, Янги қишлоғи

Камарбаста бўламиз

Ёшим 80 га бориб қолди. Юртбошимизнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларини ўқиб, тўлқинланиб кетдим. Ҳақиқатан ҳам, халқимиз ҳаётини муқаддас Ислом динисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мустақиллик туфайли динимизга кенг йўл очилсаю, унга шукроналар айтиш ўрнига динни ниқоб қилиб, ёшларимиз онгини заҳарлашга журъат этишса. Ғанимларимиз билиб қўйишсин, ўзбек халқи Президентимизнинг олиб бораётган савобли ишларида доимо камарбаста, керак бўлса, мингта жонини фидо қилишга тайёр.

И. АБДУРАҲМОНОВ,
Андижон вилояти, Асака
туманидаги Қадим
қишлоғи.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат (ЎзА)

Келди навбаҳор фасли...

«Февраль воқеалари: сабоқлар ва вазифалар»

деб номланган мавзу Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги илмий-назарий семинарнинг кеча бўлиб ўтган навбатдаги машғулотида муҳокама этилди.

Ушбу мавзуда маъруза қилган Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов жорий йилнинг 16 февраль куни мамлакатимиз пойтахтида содир этилган фожиали воқеаларнинг сабаб ва оқибатларини кўрсатиш билан бирга, ушбу мудҳиш террорчилик амалларининг сабоқлари ҳамда шу муносабат билан Ўзбекистон ХДП МК XIX пленуми томонидан барча партия ташкилотлари ва аъзолари олдига қўйилган вазифалар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбири билан бўлган, «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» номли мусоҳабаси ҳамда «Февраль воқеалари» («Халқ сўзи», 1999 йил 27 февраль) таҳлилий мақоласи ҳам маърузачи ва семинар иштирокчилари диққат марказидан ўрин олди.

Семинар ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Тошкент вилоят, Тошкент шаҳар ҳамда уларнинг тасарруфидаги шаҳар ва туман кенгашлари масъул ходимлари, шунингдек, партия марказий матбуот нашрлари журналистлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати

Мансаб манфаатга айланса...

унинг ниҳояси шармандачиликдан иборатдир

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

...Урганч шаҳрида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисасида икки одам ҳалок бўлди. Бахтсиз ҳодиса айбдори, «ГАЗ-31» автомашинаси ҳайдовчиси Раҳимбой Раҳмонов вилоят ички ишлар бошқармаси тергов бўлими бошлиғи ўринбосари Шомурод Худойберганов ва Урганч шаҳар ИИБ тергов бўлими бошлиғи Баҳром Нуруллаевларнинг бошидан бир умр сув ўгириб ичса арзийди-ю, бироқ... Ўлим билан тугаган йўл-транспорт ҳодисаси юзасидан қўзғатилган жиноий ишни бу икки мансабдор-погонли шахслар ўз мансабларини суиистеъмол қилишиб, қалбаки ҳужжатлар асосида ғайриқонуний тугатишади. Тегишли органлар аралашуви билан бу ғайриқонуний қарор бекор қилиниб, айбдор ҳайдовчи тегишли жазосини олди. Айни пайтда «тил бириктирган учлик»нинг қолган икки аъзоси — терговчилар ҳам тегишли жазога ҳукм қилинди.

Гап бошқа ёқда. Айбдор — Раҳимбой Хонқа туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси бўлиб ишловчи Ромонберди Раҳмоновнинг ўғли эди. Демак, бу ўринда бир эмас, уч шахс ўзларига ишониб топширилган мансабдан фойдаланишди, уни суиистеъмол қилишди, виждонларига қарши иш тутишди.

Янгибозор туманидаги «Воҳа» ҳиссадорлик жамияти бош директори бўлиб ишлаган Халилулло Иброҳимов мансабни ўз манфаатига хизмат қилдиришда ўзига хос «рекорд» ўрнатди. Мазкур жамият тумандаги ўнта жамоа хўжаликларининг таъсисчилигида туман ҳокими қарори билан ташкил қилинган ва ўз мақсадига кўра туманнинг ва таъсисчиларнинг ижтимоий-иқтисодий талабларини қондиришга йўналтирилган хўжалик, тижорат-сармоя ва сармоялаш фаолиятини бажариши керак эди. Аммо, Ҳ. Иброҳимов ўз билганича иш тутди —таъсисчиларнинг 33 миллион сўмлик маблағларини мақсадли сарфлаш ўрнига шахсий бойлик орттириш, қариндош-уруғларининг олий ўқув юртларида ўқишларини таъминлаш ҳамда ошна-оғайниларининг фирмаларига «сахийлик» қилишга бағишлаб, қисқа фурсатда талон-торож қилади. Буни кўриб-билиб турган таъсисчилар ҳам,туман раҳбарияти ҳам нафси ҳакалак отган директорни тартибга чақиришни ўйлаб кўришмайди. Аксинча, туман ҳокими вазифасини бажарувчи Раҳимбой Шержонов тумандаги агроқурилиш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига молиявий ёрдам тариқасида беш миллион сўм ўтказиб бериш тўғрисида Ҳ. Иброҳимовга ноқонуний ёзишма қилади...

Мансабни ўз мақсадига йўналтирган раҳбарга нисбатан қўзғатилган жиноий иш унинг ўринбосари, бош ҳисобчиси ва укаси К. Иброҳимов — жами беш кишининг қамоққа олиниши билан якун топди...

Вилоят прокуратураси томонидан ўтган йилнинг октябрь ойида вилоят акция-тижорат «Асака» банкида ўтказилган текширишда аниқланишича, банк кредит бериш комиссиясининг раиси лавозимида ишлаган Улуғбек Юсуфий мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб қонунсиз равишда ўн битта хусусий фирмага жами 26 миллион 883 минг сўм кредитларни улашган. Бундан ташқари, қариндошлари ишлаётган яна саккизта фирмага 17 миллион сўм миқдорида қонунсиз кредитлар ажратиб тижорат банкига катта миқдорда зиён етказди.

Шу ўринда вилоятдаги банк муассасаларида сўнгги даврда давлат маблағларини талон-торож қилиш ҳоллари кўпайганини эслатиш керак. Пора эвазига «сахийлик» қилиш — маблағларни улашиш баҳзида одатдаги иш услубига айлангани ташвишли. Бунинг ҳақлигини банк раҳбар ходимлари устидан тўққизта жиноий иш қўзғатилиб, 15 дан зиёд шахс жиноий жавобгарликка тортилгани кўрсатиб турибди.

Порахўрлик иллати одатда мансаб билан ёнма-ён яшашини ҳаётий мисоллар кўрсатади. Бу «иллатга» бош суққан корхона-муассасалар сони рўйхати ошиб бормоқда. Бир мисол: вилоят божхона бошқармаси тўловлар бўлимида катта нозир бўлиб ишлаб келган Санжар Ўрозов 1998 йил май ойида Қўшқўпир туманилик фуқаро Илҳом Ўразматов мурожаатига қулоқ соларкан, давлат хазинасини бойитишни эмас, ўз киссасини қаппайтириш режаларини тузади. И. Ўразматов Россиянинг Москва вилоятидан «ЛАЗ-699» маркали автобус харид қилган бўлиб, уни божхона кўригидан ўтказиши ва тегишли давлат божларини тўлаши керак эди. Ўрозов муайян ҳуқуқ берувчи расмий ҳужжат ҳисобланган «ТС-I» форма сертификатини Ўразматовга ўттиз минг сўмга сотади ва пулни чўнтагига уради. Чунки, бу сертификат қалбакилаштирилганди.

С. Ўрозов бу билан чекланмайди. Шовот туманилик тадбиркор Душам Маматов Россиядан келтирилган икки вагон ёғоч-тахтага ҳам пора эвазига сохта сертификат бериб, ноқонуний божхона расмиятчилигидан ўтказади.

Пора нозирни суд эшигига етаклаб келди.

Ёки яна бир «қаҳрамонимиз» Баҳодир Умаровни олиб кўрайлик. У Гурлан туман солиқ идорасида атиги беш ой ишлади. Кунлардан бир куни унга вилоят ички ишлар бошқармасининг коррупция, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши кураш бўлими томонидан «Гурлан-комплекс» хусусий фирмасида солиқ қонунларининг бажарилишини текшириш топширилди. Юқоридан берилган топшириқ — нафси ҳакалак отган солиқчи учун «оқ йўл» бўлди. У ишни хусусий фирмага Украинанинг Днепропетровск шаҳридаги «Аргуз» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг консигнация шартномасига асосан олиб келинган 39 минг долларлик 50250 килограмм темир қувурнинг кирим-чиқим ҳужжатларини ўрганишдан бошлади. Текширишда қувурнинг 22 тонна 656 килограмми, давлат нархи бир миллион 44 минг сўмлик маҳсулот таъсисчи ва фирма бошлиғи Каримбой Собировга қонунга хилоф равишда берилгани маълум бўлиб қолди. «Адолатчи» солиқчи бу найранглар юзасидан Қ. Собировдан давлат фойдасига 822768 сўмлик жарима ундириш кераклиги ҳақида далолатнома тузди...

Шу «далолатнома» солиқчи ва фирма бошлиғини яқинлаштирди. Баҳодир 120 минг сўм пора эвазига далолатномани йўқ қилиб ташлашини астагина сездирди. Аммо, бечора таъсисчи бу пулни топиб бера олмади ва пора миқдори вақт ўтган сари «болалаб» ниҳоят 200 мингга етди. «Акс ҳолда бу ҳужжатлар ички ишлар бўлимига юборилади» деб қўрқитди у «ҳимоясига муҳтож» бўлиб қолган фирмачини.

Нафс балоси солиқчининг ўзини темир панжара ортига келтирди. У 150 минг сўм пора олаётган кезда тумшуғидан илинди...

Йўлбошчимизнинг Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари вилоят кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида айтган ҳақ сўзлари ҳамон ҳар бир фуқарода ижтимоий адолат туйғусини жўш урдиради. Одамларимиз теварак-атрофга боқиб йўлбошчимиз айтган айрим салбий ҳолатлар, раҳбарларнинг мансабларини суиистеъмол қилишлари, порахўрлик, ошна-оғайнигарчилик каби иллатлар барча вилоятларда у ёки бу кўринишда мавжудлиги ва бизнинг сиёсатимиз бундай кўринишларга нисбатан бешафқатларча кураш олиб боражагини тушуниб етдилар.

Биз юқорида вилоят ҳуқуқ органларининг саъй-ҳаркатлари билан фош қилинган мансабдорлик билан боғлиқ бир неча жиноий иш билан қисқача танишдик.

Бундай ҳолатларнинг фош қилиниши ва қонуний баҳосини олиши яхши. Эндиликда шундай нохуш ҳолатлар содир қилинмайди деб ишонгинг келади-ю, бироқ...

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Ибодат лаззати — тинчликда

Пойтахтдаги қўпорувчилик ҳаракатларидан биз дин аҳллари ҳам қаттиқ ғазабдамиз. Бу Оллоҳни, унинг пайғамбарини танимаганлар иши, деб баҳолаймиз. Юз берган ҳодисот ҳақида вилоятдаги барча масжидларда маърузалар қилиниб, қавмни огоҳ бўлишга, ҳаммани бепарволикдан қутулишга даъват этдик.

Яқинда матбуотда эълон қилинган «Февраль воқеалари» мақоласида тўғри таъкидланганидек «бу ақидапарастлар, айрим ватангадоларнинг жон талвасаси, сўнгги чораси, деб айтиш мумкин».

Исломда масжид — муқаддас, улуғ даргоҳ саналади. Масжиднинг муқаддаслиги дин муқаддаслиги билан баробардир. Масжидга қадам қўйган муслим фақат охиратни ўйламоғи, фақат поклик ва эзгуликни муқаддас билмоғи лозим. Яъни бу даргоҳга дилида ғарази йўқ муслимгина киришга ҳақли. Оллоҳга шукрки, юртбошимиз жасорати билан истиқлол туфайли ёпилган масжидларимиз қайта очилди. Бугун бу неъматнинг қадрига етмоғимиз керак.

Парвардигорнинг яна бир неъмати — юртимиз осойишта, халқимиз тинч. Пайғамбаримиз «Оллоҳдан доим офиятни — тинчликни сўранглар» дейдилар. Ислом яна икки нарсани неъмат сифатида қадрлайди: биринчиси — тинчлик, иккинчиси — соғлик.

Буюк аждодларимиз ҳам бу неъматларни юксак қадрлаганлар. Алишер Навоий ҳажга бормай ўтдилар. У киши бўлмаса салтанатда мувозанат бузилишидан хавотирланишган. Хўжа Аҳрор Вали низоли икки томон ўртасига туриб олганлар, сулҳлар тузилган. Нажмиддин Кубро Хоразм дарвозаларида тинчлик учун кўксиларини қалқон қилиб турганлар. Нега энди бугунги авлоднинг айрим вакиллари Исломга зид ҳаракатлари билан уятга қолишлари керак?!

Гулдай юртимизга, осойиш турмушимизга раҳна солмоқни кўзлаганлар гумроҳлардир. Зеро, бу Ватан, она-юрт уларники ҳам-ку! Ахир, ибодат лаззати — тинчликда, осойишталикдадир.

Яратгандан ўтинчимиз — динимиз ҳомийси, юртбошимиз Ислом Каримовнинг умрлари зиёда бўлиб, диёримизни ҳасад балосидан ўзи асрасин!

Абдулҳай ҳожи ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Наманган вилоятидаги вакили

Болангизнинг дўсти ким?

Ўша мудҳиш воқеа содир бўлганда боғча майдончасида «Биз табиатни ўрганамиз» машғулотини ўтаётгандик. Бирдан кучли портлаш эшитилди. Болалар бир нарсадан чўчигандай гурр этиб атрофимга тўпланишди.

Яна ва яна ваҳимали товуш такрорланди. Беихтиёр шодон қийқириб ўйнаётган болаларимга қарадим. Бирбиридан ширин. Ўзим 16 йилдирки, боғчада тарбиячиман. Болалар уйидаям ишлаганман. Уларнинг ички дунёсини биламан. Қотил бола, жосус, хоин бола бўлмайди. Фақат биз катталар уларнинг мурғак қалбига эзгулик уруғини сепа олмаймиз.

Ёшлар нега шу йўлга, алақайси хориждаги ҳасадгўй кимсаларнинг қармоғига илиниб қолаяпти? Халқда мақол бор: дарахтнинг бўшини қурт ейди, дейдилар. Бу ёшлар шунақа маънавияти бўш, қашшоқ кимсага айланиб қолишган.

Президентимиз ҳамиша таъкидлайдилар: ҳамма эътибор боғчага, мактабга, маҳаллага, маънавият ўчоғига қаратилсин, дея. Шу ўринда ўз муносабатимни дангал айта қолай.

Болангизнинг дўсти ким? Кимлар билан борди-келди қиляпти? Ҳар биримиз боланинг ножўя хатти-ҳаракатини сезсак дашном беришга тўла ҳақлимиз. Жуда кўп кузатаман. Баъзи дийдаси қаттиқроқ болакайлар чумолининг инини топтайдилар. Шунда бири йўлини тўсиб: «Бузма инини, ахир, бечораларнинг ҳам жони бор» дейди. Дарров уларга чумолининг ҳам жони, боласи, уяси борлигини тушунтираман. Болада шафқат ҳисси шундан бошланади. Биз ҳам ўз жамоамизда «Февраль воқеалари» мақоласини қизиқиб ўқиб чиқдик. Бу мақолага таяниб, ушбу қўпорувчилик қилганларнинг орқасида кимлар турганини тушунтирамиз.

Ойгул НОРҚУЛОВА,
Ҳамза туманидаги 529-болалар боғчаси тарбиячиси.

Партия ташкилотлари саховати

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ходимлари, «Қорақалпоғистон овози» газетаси меҳнат жамоаси 16 февралда Тошкентда бўлиб ўтган фожиали ҳодисага бағишланган йиғилишда душманларнинг хатти-ҳаракатларини қоралаб ҳалок бўлганларнинг оилаларига таъзия изҳор этдилар. Жароҳатланганларнинг эса тезроқ соғайиб кетишига истак билдиришди. Шу муносабат билан улар бир кунлик иш ҳақини ёрдам жамғармасига ўтказишга қарор қилдилар.

Республиканинг кўпчилик шаҳар ва туманлари партия кенгашлари, ҳудудий ва бошланғич партия ташкилотлари ходимлари, шунингдек, партия аъзолари ҳам бир кунлик иш ҳақини ёрдам жамғармасига ўтказиш истагини билдирмоқдалар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Хатлар, хатлар, хатлар

Газетхон...

...луқмаси

Чироқсиз сувга борсак-а

Биз пойтахтимиз нафаси келиб турадиган масканда истиқомат қиламиз. Ишимиз, ўқишимиз ҳам шаҳарда. Азим Тошкентнинг тунги манзараси айниқса ўзгача. Зотан, ҳамиша мунаввар ва чароғон шаҳардан уйга бораётиб, зил кетамиз. Чунки Қибрай туманидаги Бобур кўчасига яқинлашганимиз сари атрофни зимистон босаётган бўлади. Устига-устак йўл ҳам носоз. Ўйдим, чуқур. Наҳотки шундай доруломон замонда ҳам электр қувватидан қийналиб яшасак. Электр токини ўзи йўқми, дерсиз, бор-у, рисоладагидек эмас. Бундай чироқдан фойдаланганда кўра, шам ёки мойчироқ ёққан маъқул-ов. Энг ёмони — на яйраб телевизор томоша қиласан, на дазмол босасан, совутгичлар ҳам «қир-қирлаб» мотори куйгани-куйган. Бир ўчса ҳафталаб бўлмайди. Маҳалла фуқаролар йиғини раисига, қолаверса бошқа ташкилотларга мурожаат қилавериб чарчадик. Дард устига чипқон, деганларидек мана уч ойдан бери ичимлик суви дарё бўлиб оқаяпти. Водаканалга ҳам бордик. Натижа бўлмади. Қўни-қўшнилар келишиб, уста чақирдик яна бўлмади. Наҳотки, ёрилган қувурни созлаш, электр чироқларимиз «пилигини» кўтариб қўйиш шунчалар қийин бўлса?!

Тўхтамурод ЙЎЛДОШЕВ,
Бобур номли маҳалла

...нажот кутади

Ҳоким... уйимдан ҳайдади

Ҳазорасп туман ҳокимининг 1998 йил 29 майдаги 156 «А» қарори туфайли бошимга кўп ғавғолар тушди: ҳомиладор аёлим ва фарзандларим билан ўз хонадонимдан айри тушяпман. Қарорнинг иккинчи бандида шундай дейилган: «...Қурбонов Равилнинг коттеж қурилишига ҳеч қандай ҳисса қўшмагани учун уй-жойдан чиқаришни таъминлаш вазифалари топширилсин!»

Ваҳоланки, бу коттеж отам Қурбонов Назар қишлоқ фуқаролар йиғинига берган аризасига кўра, менинг номимга хатлаб берилган. Кейинчалик бу борадаги низо Ҳазорасп туман судида кўрилиб, иморат менинг фойдамга ҳал қилинган. Туман ҳокими эса отамнинг вилоят ҳокими номига ёзган аризасини «кўриб-чиқиб», қонуний уйимдан ҳайдашга қарор қилди. Шу қарорга кўра мазкур масала кейинчалик Урганч туман судида иккинчи марта кўрилиб, кўчага ҳайдалишимга сабаб бўлди. Аммо, ҳуқуқшуносларнинг сўзларига кўра, ҳокимлик низоли масала ҳақида бундай бир ёқлама қарор чиқариш ваколатига эга эмас экан. Хўш, ой-куни яқинлашаётган аёлим билан мен энди ўзимни қаён уришим керак?

Равил ҚУРБОНОВ,
Ҳазорасп туманидаги Пичоқчи қишлоғи.

Оналар шарафига

Ўз сафларида 3310 нафар аъзони бирлаштирган ЎзХДП Ғиждувон туман кенгаши туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда бир гуруҳ хотин-қизларни «Чевар» оромгоҳига — байрам дастурхонига таклиф қилди. Байрамона кайфият жўш урган даврада ХДП сафларига янги қабул қилинган ёшларга партия билетлари топширилди.

Аёл зоти бунёдкор. У ҳамиша эзгулик йўлида меҳнат қилади. Умрини ана шундай яратувчилик ишларига сарфлаган онахонлардан — Обида Ҳамроева, Қизбиби Ҳусенова, Саломат Ғаниевалар йиғилганларга бугунги куннинг қадр-қиймати, мустақиллик берган шу ёруғ дамларга шукроналик тўғрисида ҳаяжон билан гапирдилар.

Учрашув сўнггида туман ҳокимлиги хотин-қизларга байрам совғаларини топширди. Зеро, оналар ҳамиша шарафга, ардоққа муносибдир.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Болалар тасаввуридаги дунё

Яқинда республикамиз бўйича «Болалар санъати — 2000» Халқаро фестивали доирасида Тошкент шаҳар кўргазма-танлови бўлиб ўтди. Анжуман байрамона тус олди. Кўриктанловда асосан халқ амалий санъати, тасвирий санъат асарлари намойиши бўлди. Кўргазма ҳомийлари — «Кока -Кола», «Нестле» фирмалари томонидан ғолиб болалар муносиб тақдирланди. 18 ёшгача бўлган ўсмирларнинг ижоди катталарда илиқ таассурот уйғотди.

Шукур ЖАББОРОВ

Тикувчилар хурсанд

Урганч шаҳридаги йирик «Феруз» ҳиссадорлик жамиятида Аёллар йили самарали бошланди. Ҳиссадорлар ишлаб чиқараётган аёллар ва болаларбоп кийим-кечаклар харидоргир бўлиб, бугунда қўшни давлатларда ҳам ўз мижозларини топмоқда.

«Ўтган йили 68 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди, — дейди жамият раиси Клара Жумамуротова. — Барча кўрсаткичлар уддаланди ва қарийб икки миллион сўм соф фойда олишга эришдик».

Тадбиркор раҳбарнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ўтган вақт ичида деярли инқироз остонасига келиб қолган корхонада ишлар жонланди ва ўтган фурсатда 38 миллион сўмлик кредитор ва дебитор қарзлар барҳам топди.

Энг қувончлиси шундаки, Аёллар йилида жамиятнинг қўли гул чеварлари илк бора дивиденд олиш бахтига муяссар бўлдилар.

Р. ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Айни кунларда Нурота туманидаги Ғозғон қишлоғи меҳнаткашларининг қувончлари чексиз. Сабаби ҳадемай чўл бағрида жойлашган бу гўшада истиқомат қилаётган меҳнаткашларнинг хонадонларида «зангори олов» ёқилади.

Газлаштириш ишларини амалга ошириш «Навоийгаз» вилоят бошқармасига қарашли хўжалик ҳисобидаги қурилиш-монтаж участкаси ходимлари зиммасига юклатилган. Улар шу кунларда Нурота шаҳридан Ғозғон қишлоғигача 16,4 км. масофага газ қувурлари ётқизиш ишларини жадаллик билан олиб боришмоқда.

Суратларда: қурилиш-монтаж участкаси устаси Ёрликбой Мингбоев (ўртада) ишчилар Исмоил Раимов ва Тошпўлат Формонов билан: чилангар Хуррам Носиров.

Абдурасул ПАРДАЕВ олган суратлар.

Ўзбек — мангу туражак ном

Миллат ва маънавият

Мен бир оддий қаламкашман: жонажон она юрт тарихини ўрганиш, билиш энг севимли машғулотларимдан биридир. Шунинг учун ҳам кўҳна ва ниҳоятда бой тарихимиз ҳақида гап кетар экан, қараб туролмадим, қўлимга қалам олиб, бир неча йиллар давомида қалбимда тўпланиб қолган ҳиссиётларимни баҳоли қудрат қоғозга туширишга ҳаракат қилдим, қоласерса, тарих-ҳаёт йўлини кўрсатувчи, яшашни ўргатувчи энг ноёб қўлланма ҳамдир.Тарихни яхши билувчи жуда кўп раҳбарларнинг ишларида зукколик, ажойиб тадбиркорлик намуналарини кўраман. Бошқа арзирли томони, тарихни билиш бугунги воқеа-ҳодисаларни баҳолашда ҳам жуда қўл келади. У мисоли Фарҳоднинг ойнаи жаҳонидек ўтмиш ва келажакни яққол кўрсатиб туради.

Ўз замонида Атойи ҳазратлари шундай лутф қилган эдилар:

Бу улус то хублар кўрдик, эй ўзбегим,
Дилраболикда сизнингдек шўхи раъно кўрмадик.

Дилбар сатрлар: ўқиб хушбуй ҳаволи фусункор тонгда сайр этгандек бутун вужудингиз ила роҳатланасиз. Ва беихтиёр улуғ аждодлар билан бугунги кишиларимизни қиёслагингиз келади, замондошлар юриш-туришларида, одоб-ахлоқларида, сўзларида, ишларида ўша «дилраболик»ни кўриб чинакамига ғурурланасиз. Дарвоқе, Атойи мазкур қўйма сатрлари билан миллатимиз кўркида юз минг кўҳинурлар жилоси мужассамлигини юксак дид, баланд ҳавас билан битмаяптими?

Буларни ўқиб, сизда «Атойи ҳазратларининг ўзлари қандай киши эдилар?» деган савол кўндаланг туриши мумкин.

Низомиддин мир Алишер Навоий ўзининг «Мажолисун нафоис» асарида мавлоно Атойининг хушхулқ, очиқ чехрали киши бўлганини қайд этади. Бугун ҳам орамизда шундай ажойиб кишиларнинг борлиги туфайли миллатимизнинг нуфузи, шавкати кундан-кунга ортиб бораётганини тилга олмасдан ўтиб бўладими?

Алишер Навоийнинг ўзлари ҳам «ўзбаким» дея бир сўз айтган эдилар:

Шоҳу тожи хилъатким, мен томоша қилғали,
Ўзбаким бошида қалпоқ, эгнида ширдоғи бас.
Ҳалол она сутидекдур гар ўзбаким тутса,
Табуқ қилиб, юкунуб тустиғон ичинда қимиз.

Орадан беш юз йил ўтди. Беш юз йил катта масофа. Аммо қалб дунёси ўша-ўша. Ўша сурур, ўша ғурур ўша одимликни куйга солади, ўша аньанани давом эттиради:

Қайга бормай бошда дўппим,
Шуҳратим қадрим буюк.
Олам узра номи кетган
Ўзбекистон, ўзбегим.

Улуғлар қалблар орқали (албатта оддий қалблар эмас) дунё қалбига йўл топишга интиладилар: ҳар кимда, ҳар инсонда, миллатда, халқда нимаки қувонч, нимаики шодлик,яхшилик кўрсалар, уни жўшқин куйга солиб, дунёга олиб чиқишга ҳаракат қиладилар.«Ўзбаким бошида қалпоқ», «Қайга бормай бошда дўппим»-ҳар икки улуғланишда ҳам майин эзгулик, миллий ғурур ва ифтихор мужассамлиги ёрқин кўринади. Умуман, миллатимиз кишиларининг ишларига назар ташлар эканмиз, унда шарқона зукколикни, билимдонликни кўрамиз. Биргина бошдаги дўппимизда дунёнинг қанчадан-қанча сир-асрорлари жо этилган: ундаги тўрт қутб, ой ва юлдузлар-жозибадор фалсафа, катта китоб, билим ва тафаккурдир. Бу тўғрида кўп ёзилган, шунинг учун такрорга ҳожат йўқ. Демоқчиманки, дўппимиз бизга шунчалик ғурур, шунчалик фахр, ифтихор берар экан, нечун миллатимизга яна таъна тошлари отилганда, адолат билан, босиқлик, ўктамлик билан уни ҳимоя қилмаслигимиз, асрабавайлашимиз мумкин эмас. Тарихда энг кўп зуғум ва талофат кўрган биз эмасми? Кимлар бизни яксон этишни, ер билан битта қилишни истамади дейсиз? Лекин ҳар гал «Ит ҳураверди, карвон ўтаверди». Ҳар гал хомталашлардан бутун чиқдик, ҳар гал ўзлигимизни намоён этавердик. Бугун-чи? Бугун ҳам отабололаримизнинг доно ишларидан, йўл-йўриқларидан намуна олиб, келажакка ғурур ва ифтихор бўладиган ишларини амалга оширадиган палла келмадими? Изланиш, ташаббускорлик, бунёдкорлик учун ҳамма йўллар очиқ. Тўғри, шу билан бирга тўсиқлар, суньий деворлар ҳам мавжуд. Бу тириклик қонуни! Ҳамма ўй, режалар ҳамиздан қил суғургандек осон ва тез ҳал бўлаверса, яшашнинг, ҳаётнинг, турмушнинг қизиғи, лаззати бўлармиди?! Буни тушунмаганлар эса арз-доддан нарига ўтмайдилар. Аммо кўпни кўрган, кўпни билганлар ҳақиқатни сўзлайдилар. Бир отахон «Очарчиликни кўрдим, урушни кўрдим, ғам-ғуссани кўрдим, аммо бирон маротаба нолимабман, нолишни билмабман», дейди. Бир оғайним эса: «Бўлди, мен ҳеч нарса ёзмайман, бошимни ғалвага тиқиб нима қиламан», дея норози тўнғиллайди ҳар нарсадан нолиб. Давр бизга нимани ўргатмоқда ва нимани биздан талаб қилмоқда? Фикр айтинг, хато қилишдан чўчманг, аммо хулосангиз тўғри бўлсин, демаяптими? Ватанимизнинг ҳозирги муҳити эса биздан яна кишиларнинг фикрини бошқаришни эмас, аксинча, уларнинг тафаккурини бойитишни талаб қилмаяптими?! Орамизда тараққуни, мушоҳадаси бой, билимли зукко кишилар қанчалик кўп бўлса, дунёдаги обрўйимиз, шавкатимиз ҳам шунга яраша бўлмайдими?! Миллатнинг нуфузини оширишнинг бир жиҳати шахснинг камолотига, салоҳиятига, дунё олдидаги хизматига қараб баҳоланади. Шундай экан, нечун биз тўғри гапни айтишдан, аниқроғи бугун миллатимизни ҳар қандай бўҳтонлардан асрашдан чўчишимиз ёки бу ишга совуққон қарашимиз керак?! Ватанли киши учун ҳатто ўлим бир пуллик нарса эмасми?! Биргина тарихимиз олдида бугун шунчалик кўп қарздормизки, гоҳо бу қарзни йигирма-ўттиз йилда ҳам узолмасак керак деган хавотирга борамиз. Шундай масъулиятли палларада айримларнинг ҳамон тор қолипда, ўз адоватлари қўйнида гина-кудратда юришлари кишини ажаблантиради. Айнан ўшалар тарихимизни сохталаштирмоқчи бўлганлар олдида ночор қоладилар: ғанимларга ўз пайтида зарба бериш ўрнига унга қўшилиб кучли олимимиз, ўзидан бир поғона юқори замондошимиз устига мағзава ағдаришга тушадилар. Ғаним эса пайтдан фойдаланиб катта минбаримизни эгаллайди ва энди миллатимиз устига мағзава ағдаришга чоғланади. Бир силкитсак бундай ғанимлар етти қават тупроқ остида қолиб кетадиган қудратли тарихимиз бор. Бу тарих бизнинг қадимий халқ эканлигимизни очиқ-ойдин айтиб турибди.

Президентимиз Ислом Каримов «Туркистон» газетаси муҳбири саволларига жавоб қайтара туриб деди: «Биз-нинг миллатимиз, халқимиз кўҳна Хоразм заминида «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади».

Масалан, қадимги музработликларнинг яшаш тарзлари, уйлари асримиз бошидаги ўзбек хонадонларига айнан ўхшаш бўлганлиги тарихдан маълум. У ердан топилган осори-атиқаларни милоддан олдинги II минг йилликнинг биринчи ярмига тенг деб ҳисоблайдилар. Нодир буюмларда қадим аждодларимизнинг нафаси сезилиб туради: ошхона идишларининг сирти тўқ қизил учбурчак шаклидаги нақшлар билан зийнатланган. Кошинкорлик, сополга нақш бериш қадимдан отабололаримизнинг ҳунарлари, касб-корларидир.

Аньана бугун ҳам давом этяпти.

Ўзбекхон масаласида ҳам Президент Ислом Каримов тўғри таъкидлади: ўзбеклар бўлмаса, Ўзбекхон бу исмни қаердан оларди?! Халқимизнинг келиб чиқиши борасидаги манбалар бизни асрга етаклайди. Лекин, бу ҳақиқатни тарихчи олимларимиз исбот этишлари лозим. Мен эса сизнинг диққатингизни қуйидаги манбаларга жалб этмоқчиман:

Баъзи олимларимиз шўро тарихчиларининг фикрларига зулукдай ёпишиб олганликлари боис хатога, чалкашликларга йўл қўядилар. Масалан, Н. А. Аристов ўзбек номи Ўзбекхонгача тарихда учрамайди, деган. Ўйламайнетмай ёзаверган эканда, дея ёқа ушлайсан. Сўнг ўзинга тасалли берасан: «Елғоннинг умри қисқа». Ўзбекхон даври 1312- 1342 йиллар. Араб тарихчиси Исома ибн Мунқиз «Китоб ал-эътибор» («Ибратли китоб») асарида ўзбек қавмига мансуб кишиларнинг Арабистонда катта мавқега эга бўлганликлари, уларнинг салбчиларга қарши жангларда қарши фаол иштирок этганликлари ҳақида маълумот беради.

Европаликларнинг салб юришлари 1095 йилда бошланганлигини зукко ўқувчимиз билади. Демак, Ўзбекхондан икки аср олдинги ўзбеклар ҳақида сўз бораяпти. Буни қарангки, ўзгаларнинг нотўғри фикрига суяниш, унга кўр-кўрона ишониш бизга қанчалик қимматга тушаркан.

Юқоридагига ўхшаш манбаларни хоҳлаганча келтириш мумкин. Далил-исботлар сон-саноқсиз. Ҳатто булардан ҳам қадимийроғи, ноёблари бор. Мен ёзувимизга оид манбалар билан фикримни давом эттирмоқчиман. Юртимизда милоддан аввалги I минг йиллик бошида Оромий ёзуви юзага келганлиги барчага маълум. Бу ёзув ўз даврида савдо-сотиқ, маъмурий-хўжалик ишларида кенг қўлланилган, милоддан олдинги VIII асрдан бошлаб эса Халқаро ёзувга айлангани, секин-аста бу ёзувни араблар, форслар ва бошқа халқлар ўзлаштириб ўз тилларига мослаганликлари тарих зарварақларида абадий муҳрланган.

Славянларда эса IX асргача ёзув мавжуд бўлмаганлиги, фақат ака-ука Кирилл ва Мефодийларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли улар ёзувга эга бўлганликлари ҳам айни ҳақиқатки, булар-нинг энг яхши аньаналарини давом эттириб, буюк келажакка тамал тошларини қўяпмиз. У ана шулардан ғурурланади, ана шулардан шодланади.

Беихтиёр шундай лаҳзаларда кечаги куннинг совуқ дақиқалари эсга тушади. Битта совуғи: «Давлат қурсангизлар, қандай эллайсизлар?!» деган эди баланддан келиб. Иккинчи бири эса, ўша эслиси экан, унга жавобан: «Булар саодатли халқ, буларнинг оёқлари мустаҳкам пойдеворлар устида турибди» дея уни мулзам қилганди.

Мустаҳкам пойдеворлар...

Бугун шу пойдеворлар узра дадил одимлаб кўҳна илдизимизни қидирамиз. Ўша олтин илдизни топмасдан туриб миллатимиз ҳақидаги бор ҳақиқатни айтиш қийин. Инсонмизда, гоҳо бу тўғрида шунчалик бош қотиришга ҳожат бормикан дея ўйланиб қоласан киши. Дунё янгича турмуш тарзи, янгича қарашлар асосида таркиб топмоқда. Янги минг йилликда бу нарсанинг шакл-шамойили янада аниқроқ кўринади. Инкор этишга қурби ҳам етмайди. Чунки тарих — энг одил ҳакам. У ўз одил ҳукмини ўқиди. Бизнинг номимизни тарих саҳнасидан ўчириб таш-ламоқчи бўлган зуғумчиларга ҳам ўзининг одилона жавобини берди. Бу нарса бизга яна тажовуз қилувчи бўлганлар учун катта ва унутилмас сабоқ бўлиши лозим эмасми?!

Бир дўстим айтди:

— Америкага бориб мен ўзбекман дедим ва бундан ғурурландим!

Агар мақтанибди десангиз, мен қўшилмайман, чунки улар мақтовни қабул қилолмайди, аммо тўғри гапни, тўғри баҳони тушунади, тушуниб туриб гапиради, мулоҳаза юритади. Биз ўз йўлимизни топиб олганмиз, ўз овозимизга эгамиз, иқтисодда, сиёсатда устуворликка эришяпмиз, ота-боболарина бошлайди. Ана шундай улкан жараёнлар пайдо бўлаётган пайтларда ҳар бир миллат дунё олдидаги, она сайёра олдидаги бурчини англаб, гуллаб яшнаши учун хизмат қилмоғи қанчалик муқаддас ва шарафлидир. Негаки, юксак маданиятга эришган халқ бошқа халқни оёқ ости қилмайди, инсон тақдири билан ўйлаб ҳисоблашади. Демак, ҳар бир халқ учун маънавий эҳтиёж нақадар катта аҳамиятга эга!

Кечагина бир томон инсон маймундан тарқалган деса, иккинчи томон лойдан яралган, дея ўзаро талашибтортишарди. Бугун ўзининг аждодларини маймундан тарқалган деган тахминлардан орланган тоифа ўз қарашларидан воз кечди. Худди шу каби уруғ, қабилаларнинг ҳам «фалон писмадондан пайдо бўлди», деган фикрларга қарши бўлаётганлар ҳам мавжуд. Илгари болаларга: «Инсон маймундан пайдо бўлган» десангиз, улар: «Нима учун ҳозирги маймунлар одамга айланмаяпти?» дея бошингизни қотиришади. Айниқса, муаллимларнинг бошлари қотганқотган эди. Ҳозирги болаларга: «Фалон миллат фалон асрда фалон қабиладан пайдо бўлган» деб кўрингчи?! Яқинда бир ўқитувчи шу йўсинда гапирган экан, «зумраша билағон»лар: — «Домла, қўйсангизчи, анекдотингизни, бизни алдаб нима қиласиз: мана шўролар етмиш йил урунишиб, совет халқини яратишолмабди-ку!» дея роса кулишибди. Ҳақиқатан, миллат бировларнинг фатвоси билан яратилмайди. Қарияларнинг айтганидек, барча сир-асрор фақат яратганга аён, Оллоҳнинг ишларига шерикчилигимиз ғавғодан бошқа нарса эмас. Аммо биз бугун ўзбек номи билан дунёга қайта танилган эканмиз, энди шу ном билан дунё тургунча яшаймиз. Мажар олими Ҳерман Вамбери: «Ўзбек— охирги замонгача қолажак ном» деган экан. Минг йилдан, икки минг йилдан кейин ҳам авлодлар шу ном билан яшайдилар.

Аммо такрор бўлса-да, айтиш керакки, оқ пошшо ва шўро даврида тарихимизни сохталаштириш бизни чалғитишга, онгимизни заҳарлашга жуда кўп уринишлар бўлганини ўзингиз яхши биласиз, хавфли томони шундаки, ҳали ҳам орамизда ўша ёлғонлар муҳитидан-тор қобиқдан чиқолмаётганлар бор. Буни мардона тан олишимиз керак. Масалан, аждодларимиз қадимда Ўрол тоғ ён бағирлари, Итил дарёлари бўйларида яшаганлар. Рус давлатининг ташкил топиши ва унинг Шарқ ҳисобига ўз ерларини кенгайтира бошлаши оқибатида аждодларимиз мамлакат ичкарисига қочишга, бир тилда сўзловчи қон-қариндошлари билан ер талашишга мажбур бўлдилар. Биз бу тўғрида деярли гапирмадик. Аксинча, бунинг ўрнига гўёки Октябрь тўнтаришигача отабололарнинг фақат жангу жадаллар билан овора бўлишган, гўёки улар умрларида мусиқа эшитмаганлар, ўйин-кулги билмаганлар, тўю-томошалар, катта-катта сайллар ўтказмаганлар. Фильмларимизда ҳам шоҳ— нодон, оддий масхарабоз эса доно кўрсатиларди. Миллатнинг шоири, олими, раҳбари «халқ душмани», ўз халқига ашаддий ёв эди гуё. Чунки ғанимларимиз бизни фақат ичдан емириш мумкинлигини жуда теран англардилар. Ишонмасангиз, тарихимиз зарварақларини очинг: бизни ҳеч қачон ташқи кучлар енголмаган. Алп Эр Тунга, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди кўзларида ҳасрат кўрасиз, армон кўрасиз: улар фақат сотқинликнинг қурбонлари бўлдилар. Уларни ҳеч бир куч енголмаси, енголмаган ҳам!

Ва ниҳоят, сўнгги мулоҳаза: уч ўзбек хонлигининг босиб олиниши ва ўзбекларнинг нуфузини пасайтиришга қаратилган сиёсий найранглар ва уларнинг аянчли оқибатлари ҳақида ҳам адолат нуқтаи назаридан баҳо берадиган, оқни оққа, қорани қорага ажратадиган пайт келди. Бу ҳақда ўнлаб, юзлаб тадқиқотлар қилса бўлади.

Одиллик, ҳалоллик билан шундай дадил, шаҳдам одимлар эканмиз, орзу-ўйларимиз, барча ниятларимиз, албатта, амалга ошади. Зеро, дунё ҳалоллик пойдевори устига қурилгандир. Шунинг учун ҳам у бугун турибди: Жонажон Ўзбекистоннинг ҳам дунё тургунча шундай боқий туришини ҳар биримиз истаб турибмиз ва бунга ишонамиз.

Тўлқин ҲАЙИТ

Диққат, тендер!

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Капитал қурилиш бошқармаси 1999 йилда қуриладиган иншоотлар учун керакли қурилиш материаллари ва жиҳозларини пудрат (тендер) асосида сотиб олади.

Пудрат (тендер) савдоларида мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар, корхоналар, фирмалар ва қўшма корхоналар қатнашиши мумкин.

Маҳсулотлар номи	Русуми	Ўлчов бирлиги	Миқдори
I.	II.	III.	IV.
Кабель маҳсулотлари	АПВВГ 3х16х1х10	п/м	4600
	АПСВГ 2х2,5	п/м	9300
	АПСВГ 3х35х1х16	—	2200
	АПСВГ 3х25х1х16	—	1600
	АПВГ 2х16	—	1200
	АПВГ 3х70х1х35	—	6050
	АВВГ 3х240х1х95	—	3010
	АВВГ 3х120х1х35	—	1810
	АПВГ 3х150х1х25	—	4150
	ААШВУ 3х70/10	—	1100
	ААШВУ 3х95/10	—	1000
	АПВГ 3х2,5	—	6070
	АПВГ 3х10	—	5000
	АВВГ 2х4	—	3100
	АПВГ 3х4х1х2,5	—	500
	АВВГ 3х4	—	350
	АВВГ 3х6	—	200
	АКВВГ 5х2,5	—	700
	АКВВГ 4х2,5	—	1500
	ТПП 10х2х0,5	—	2000
	ТПП 20х2х0,5	—	1100
	ТПП 30х2х0,5	—	900
	ТПП 50х2х0,5	—	500
	ТПП 100х2х0,5	—	500
Электр симлар	АППВ 2х2,5	—	40500
	АППВ 2х4,0	—	25500
	АППВ 3х4,0	—	19000
	АППВ 3х6	—	1700
	АППВ 2х6	—	35000
	АПВ 2,5	—	2000
	АПВ 4,0	—	10000
	АПВ 6,0	—	9500
	АПВ 10,0	п/м	3000
	АПВ 16,0	—	6050
	АПВ 25,0	—	1000
	АПВ 35,0	—	800
	АПВ 70,0	—	100
	ПРНГ 1,5	—	5500
	ПВ 5,0	—	7000
	П13 4,0	—	100

Хорижий маҳсулотлар			
Ёритгичлар	турли	дона	8020
Ташқи ёритгичлари	РКУ-125	дона	954
Люмининый ёритгич	ЛБ-40	—	16040
Ёритгич	220/100	—	10000
Стартер	СК-220	—	16040
Лампа	ДРЛ-250	—	380
Вентелятор	ВПК-3,15	—	70
—	ВКР-4	—	107
—	ВЦ4-70 № 5	—	13
—	ВЦ4-70 № 6,3	—	10
—	ВЦ4-70 № 2,5	—	55
Насос	К 8/18	—	20
—	К 20/30	—	50
—	К 100-80-160	—	9
—	К 45/30	—	20
Трансформатор п/ст.	2 КТП 630/10	—	10
Трансфораматор ТМ	ТМ 630/10	—	10
Трансформатор п/ст	КТП 160/10	—	4
Трансформатор п/ст	ТМ 160/10	—	8
Трансформатор п/станция	КТП 100/10	—	6
Трансформатор п/ст.	ТМ 100/10	—	6
Трансформатор п/ст	КТП 63/10	—	3
Трансфораматор ТМ	ТМ 160/10	—	8
Трансформатор	ТМ 63/10	—	3
Трансформатор п/ст	КТП 250/10	—	4

Маҳсулотлар номи	Русуми	Ўлчов бирлиги	Миқдори
I.	II.	III.	IV.
Трансформатор п/ст	ТМ 250/10	—	4
Бирламчи соат	ПЧМ	—	13
Калорифер	КВВС 7-11-0,1	—	26
Тақсимлаш пункти	ПР-11	—	35
Лаборатория шити	Р-975	—	30
Яшик	ЯТП 0,25	дона	70
Каробка	КРТУ-10	—	100
Щит ЯОУ	ЯОУ 8501	—	20
Щить	ВРУ-1-11	—	30
Щить	ВРУ-1-47	—	25
Громкоговоритель	Сибиряк	—	200
Автомат	АЕІ 63	—	112
Магнито пускатель	ПАЕ 221	—	30
	ПМЛ 022	—	44
Муфта винтил	Д15-Д50	—	300
Винтил запорный	Д15-Д40	—	300
Сув иситиш чўян қозони		—	31
Тарози	РП-500	—	26
Ўт ўчириш ускунаси	ОХВП-104	—	70
Совитиш камераси	КХС 210	—	13
Сув қайнатгич	КНЭ-100	—	26
Овқат пишириш қозони	КЭ-100	—	13
Овқат пишириш қозони	КПЭСМ-60	—	13
—	КПЭ 160	—	13
Сковородка	СО 022-01	—	13
Ванна моечн.	ВМСМ-1	—	8
—	ВМСМ-2	—	8
Тўрт ўринли ошхона мебели		—	375
Эл. плита	П-Э-0, 1701	—	10
Эл. плита	ПЭ-Ц51	—	10
Овқат пишириш шкафи	ШЖЭ-0,51	—	7
Эл. қайнатгич ускуна	УВЭ-60	—	12
Овқат тарқатиш тизими	ЛПСТ	—	7
Универсал привод	ПП-1,1	—	4
Универсал привод	ПУ-0,6	—	14
Нон кесиш ускунаси	МХР-1800	—	12
Ишлаб чиқариш столи	СП-14-20	—	11
Қовуриш шкафи	ШЖЭСМ	—	5
Совутгич	ШХ-1,2А	—	2
Совутгич	ШХ-0,8 М	—	8
Совутгич	ШХ-0,4	—	4
Совутгич стол секцияси	СОЭСМ 2	—	12
Ўқув партаси		—	2500
Синф доскаси		дона	240
Химия столи		—	13
Физика столи		—	13
Кўргазма столи		—	26
Китоб жавони		—	600
Кийим жавони		—	400
Стуллар		—	1852
Бир тумбали стул		—	292
Шифер	минг	—	80
Облицовка плитаси		м2	4381
Пўлат қувур		тн	848
Сантехника жиҳозлари		дона	10800
Шифт плитаси		м2	6160
Линолиум		м2	30535
Ёғоч маҳсулотлари		м3	2400
Металлрокат		м2	2377
Дубовый шпон		тн	1092
Праф на сталь		тн	190
Лак-бўёқ маҳсулотлари		тн	80
Хориж обойлари		м2	4100
Витрина ойнаси		м2	1427
Оддий ойна		м2	10400
Металл қувур	диам.15мм дан 114 мм гача		Келишилган нарҳда
Полиэтилен қувур	диам. 20 мм дан 100 мм гача		
Арматура	диам. 6 мм дан 40 мм гача		
Асбестцемент қувур	диам. 100 мм дан 250 мм гача		
Қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) учун			Ҳар бир ҚВП учун 42 та номдаги жиҳозлар
Тиббиёт жиҳозлари	14 та ҚВП учун		

Маълумотлар манзили: *Қарши шаҳри «Ўзбекистон овози» кўчаси, 3-уй.* *Тел.:(375-2) 4-45-49, 3-96-92, 4-66-53.*

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

Шеър ва шуур

Сайр этамиз дўстгинам, келгил...

Ҳамкасбимиз Музаффар Шароповнинг ижодий ва меҳнат фаолиятига йигирма йилдан ошди. Бир сўз билан айтганда, худди шу 20 йил ичида унинг қалами «Дўстлик байроғи», «Бухоро ҳақиқати», «Ўзбекистон овози» газеталарида чархланди. Йигитнинг қиркдан ошгани қирчиллагани демакдир.

Биз Музаффаржонни бу муборак қутлуғ ёши билан чин юракдан қутлаб, унинг келгуси ижоди ва фаолиятига омадлар тилаймиз. У нафақат мухбир, балки шеърият шайдоси ва шоир ҳамдир. Унинг кўплаб шеърлари республика матбуотида эълон қилинган.

Музаффар ўз шеърларида асосан Ватанни, бободеҳқонни, суюкли ёрни мадҳ этади.

Азим СУЮН

Кўзлар ёмғири

Шивир-шивир ёмғир ёғмоқда,
Деразадан тикиламан лол,
Бетин кўз ёш тўкиб шу чоқда,
Табиат ҳам бўзлар, эҳтимол!..
У бўзласа, олам кулади,
Кўкатларнинг яшнаши тайин.
Сахий замин нурга тўлади,
Чанқоқлиги босилган сайин.
Деразага ташлайман назар,
Ҳамон тинмай ёғади ёмғир.
Инсон кўзи ёшланса агар,
О, кўзларнинг ёмғири... оғир!..

Қайлардадир

Чақнар чақмоқ
Инграмоқда сокин тун.
Кўк юзини қоплаб булут,
Йиғламоқда
Қалби хун.
Кўп ўтмайин
Ёмғир тинди,
Ювинтириб борлиқни.
Ҳилол чиқиб нур таратди,
Тун унутди
Оғриқни.

Саккизлик

Ёш қалбим бирма-бир довон ошмоқда,
Мақсадим, муқаддас манзили тайин.
Юрагим қувончдан жўшиб тепмоқда,
Орзулар этагин тутганим сайин.

Турфа истакларим қучмоқ истайман,
Гоҳида қоқилиб қолсам-да йўлда.
Талпиниб қалбимни олдга қистайман,
Орзулар ҳаваси жўш ургач дилда.

Музаффар ШАРОПОВ

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 11 mart, payshanba № 30 (24.425).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Шодлик шодликка уланган кеча

Яқинда ижтимоий йўналишдаги Республика махсус гимназия жамоаси ташаббуси билан Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди ва фаолиятига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Кечани гимназия директори, физика фанлари номзоди Абдусалом Умаров кириш сўзи билан очиб, 16 февралдаги мудҳиш воқеаларга йиғилганлар эътиборини қаратди. Шундан сўнг машҳур адиб, олим Иброҳим Ғафуров давлат арбоби ва шоир Бобур ҳақида сўзлаб берди. Таниқли олим Омонулла Мадаев қилган маъруза ва шоир Рустам Мусурмон ўқиган шеърлар ўқувчиларда қизиқиш уйғотди.

Шундан кейин гимназия ўқувчилари Бобурнинг ғазал ва рубоийларидан ўқидилар ҳамда таниқли ёзувчи Хайриддин Султоннинг «Саодат соҳили» асаридан саҳна кўриниши намойиш этдилар. Кеча охирида гимназиянинг директор ўринбосари Рамзиддин Носиров Бобур ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлардан ижро этиб, барчани хушнуд қилди.

Бахтиёр ҲАСАНОВ,
гимназиянинг 10- «Б» синф ўқувчиси.

Орамиздаги одамлар

Бастакор, мураббий, дилкаш инсон

Шеър ва мусиқа яратиш Оллоҳ буюк иқтидор ато этган, қалби чашмадек пок, ҳалол инсонларгагина насиб этган, дейдилар. Чунки, сўз билан забт этиб бўлмаган инсон қалбини қўшиқ-мусиқа орқали эгаллаш мумкин. Ана шундай кўнгли пок, самимий ва нозик таъб инсонлардан бири — Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат Маданият институти Халқ ашула ва рақс ансамбллари кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, профессор, таниқли бастакор Раҳматжон Турсуновдир.

Маданият институтининг Халқ мусиқаси кафедраси Раҳматжон Турсуновнинг ташаббуси ва бевосита иштироки билан ташкил этилган. Ва ўша кундан буён кафедра ўзбек халқ мусиқасини тўплаш ва ўрганиш бўйича ижодий лаборатория бўлиб қолди. Р. Турсунов муаллифлигида ва ҳамкорлигида кафедрада ўзига хос ўқув қўлланмалари ва дастурлари яратилди. Ишлаб чиқилган ўқув методикаси ҳозиргача ҳам педагогик амалиётда қўлланилмоқда.

Республикамиз вилоятларига бориб ўзбек халқ қўшиқчилигини ўрганиш бўйича экспедициялар тузиш ва унга раҳбарлик қилиш Раҳматжоннинг билимини янада бойитди. Кафедрага эса халқ ижодиёти усталари, республикада хизмат кўрсатган ва халқ артистлари, санъат арбоблари бирлашиб, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, бадиий жамоалар ўқитувчилари учун методик марказ бўлиб хизмат қилмоқда.

Раҳматжон Турсунов яратган куй ва қўшиқлар ўзига хос такрорланмас оҳангга, овозга эга. Унинг «Ғамзасин севдинг кўнгил» қўшиқлар тўплами, «Чўлдан эсган саболар» тўрт қисмли вокал сюжетлари маданият ўқув даргоҳлари дастуридан мустаҳкам ўрин олган. Унинг турли мусиқий жанрларда яратган юздан ортиқ асарлари эса мусиқа санъатимиз хазинасидаги бебаҳо асарлардир. «Ватан», «Кўнгил», «Фурқат нидоси» ашулалари ва Ж. Жабборов, Э. Воҳидов, А. Орипов, Н. Нарзуллаев, А. Суюн, А. Исроилов ва яна кўплаб шоирларнинг шеърлари билан яратган ашулалари ҳаммамиз учун маънавий озуқага айланиб кетган.

Раҳматжон Турсунов Ўзбекистон бастакорлари уюшмасининг ҳамда Ўзбекистон театр арболари уюшмасининг аъзоси сифатида яратилаётган куй, қўшиқларнинг миллийлиги, миллий куй, қўшиқларнинг эса софлиги учун ҳам жон қуйдириб келмоқда. Республика телерадиокомпаниясида бадиий кенгаш аъзоси сифатида истеъдодли ёш ашулачиларни танлаб, уларга миллий мусиқаларимиздан фойдаланиш сирларини ўргатиб, халқ ижодини тарғиб қилишга ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда. Ўтган йиллар давомида у юзлаб шогирдлар тайёрлади ва юздан ортиқ қўшиқлар яратди. Унинг қўшиқлари доимо муваффақият билан ижро этиб келинмоқда.

Унинг қўшиқлари ўзига хос жанрлардан иборат. Улар орасида рақс мусиқалари, романслар, хор алоҳида мусиқа асоблари учун пьесалар бор ва улар республика профессионал ҳамда ҳаваскор ижрочилар томонидан севиб ижро қилинади.

Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти декани.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

Темир ошқозонлар

Нақлиёт ички ишлар бошқармасининг Бухоро шоҳбекати тармоқ ички ишлар бўлими ходимлари айрим йўловчиларнинг қорнида гиёҳванд модда борлигини аниқлаб, улар кирдикорини фош этди. Албатта, бу бир жиҳатдан уларни ўз касбининг моҳир эгаси эканлигидан далолат берса, иккинчидан шундай усул билан гиёҳванд моддаларни ташишга уринувчиларга нисбатан катта зарба бўлди. Бу ҳақда биз ушбу тармоқ ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Саъдулло Шариповдан сўрадик.

— Яқинда ходимларимиз «Душанбе-Волгоград» поездининг 11- вагон 1-жойида кетаётган йўловчи Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида яшовчи фуқаро Камолитдин Нигматовни гумонсираб бўлимга олиб келдилар. Тезкор тадбирлар натижасида гиёҳванд модда ютиб олганлиги аниқланди. Биринчи куни унинг орқа чиқарув аъзосидан 32 дона елим халтачага ўралган, ичига 160 грамм героин моддаси солинган шарикчалар олинди. Иккинчи куни эса яна 6,5 грамм героин гиёҳванд моддаси 2 дона шарикчада туширилди.

Айнан шу куни ўша вагоннинг 12-ўриндиғида сафарга кетаётган тожикистонлик Тоғаймурод Шаропов ҳам ходимларимизнинг диққатини тортди. Бежо ҳаракатидан гумонсираган жиноят қидирув бўлинмаси ходимлари уни ҳам текшириб кўришганида бу шахснинг 160 граммга яқин миқдордаги героинни 35 дона елим халтачага солиб ютиб олиб кетаётгани маълум бўлди.

Худди шунингдек, мазкур поезднинг 4-вагони 22-жойида хотиржам кетаётган тожикистонлик Соҳибназар Расулов ҳам юқоридаги биродарлари сингари 100 граммдан зиёд героинни орқа чиқарув тешигидан чиқариб берди. Унинг айтишича, ушбу героинни унга нотаниш киши берган бўлиб, мабодо буни у Волгоградга етказиб берса, унга 300 АҚШ доллари бермоқчи бўлган.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
ИИВ матбуот маркази катта инспектори, милиция капитани.

Ўлик жонлар қасоси

Бу воқеа олис Перуда юз берган. Олимлар гуруҳи кимсасиз Анд этакларида оҳиста илгарилаб боришарди. Уларнинг мақсадлари қадимий аҳоли яшаган масканлар харобаларини топиш эди. Қуёш ботиб, кеч кирганда қадимшунослар қабристон олдидан чиқиб қоладилар. Тош бостирилган қабрларни очганларида, тақдир бир малакни борича сақлаб қолганини, қолган қабрларни қачонлардир, кимлардир бойлик орттириш, олтин-кумуш, тақинчоқлар илинжида очиб, вайрон қилиб кетганларини кўриб, ҳаяжон ва ўкинчга тушадилар.

Олимлар қабристон яқинига чодирларини ўрнатиб, ўрганишга киришдилар. Очилган қабрларни ёпишга шошилмайдилар. Негадир, уларнинг раҳбари М. хоним нимадандир безовталаниб, ухлолмайди. Кўл чироқни олиб қабр тепасига боради. Кутилмаганда орқадан қадам товушини эшитади. Кимдир уни таъқиб қилиб келаётганини сезади. М. хоним тўхтаб, орқасига ўгирилишини билади, қаттиқ урилган зарбдан ағдарилиб, чироғи қўлидан учиб кетади. М. хоним бақириб юборади. Сўнг нима бўлганини билмайди. Фақат сўнгги дамда қандайдир бир ҳид анқиб, ғалати ҳуштак эшитилганини эслайди. Кўҳна қабрнинг димоғни ёргудай ҳиди қадимшуносларга таниш эди...

Ваҳимали қичқирувни эшитган олимлар воқеа содир бўлган жойга етиб келишади. Кўрқувдан ҳушидан кетган М. хонимнинг атрофида кафанлик парчалари, мўмиё сочилиб ётарди.

М. хоним ўзига келгунича, йўл бошловчи ҳиндулар атрофни кўздан кечириб чиқишди. Ярим чақримча нарида от изларини кўришибди. Аниқлашса, олимларга эргашиб ўғрилар ҳам изма-из келишаётган эканлар. Тунги воқеадан кейин улар қочиб қолишибди.

Мўмиёнинг қабрдан қандай ташқарига чиқиб қолгани жумбоқ эди. Муттаҳамлар, М. хоним келгунича қабрни ковлаб чиқишганмикан? Йўлбошловчи ҳиндулар қаттиқ туриб таъкидларларки, «қабрдаги ўлик жон руҳи М. хонимни ўғри-муттаҳамлардан асраб қолиш учун, лахатдан отилиб чиққан». Олимлар бу гапларга кулиб кўя қолдилар. Аммо, ҳиндулар ўз сўзларида қаттиқ туриб олишди: «Сиз оқ танлилар, нега шу оддий ҳодисага тушунмайсизлар, ахир мўмиё «жонланиб» ўзини безовта қилганлардан қасос олади. Фақат эзгу ниятли қадимшуноларга тегмайди».

Нега? Бунга ҳам жавоб бор экан. Чунки, қадимшунослар мурдаларни безовта қилмай, оҳиста ишларини бажаришарди. Шунинг учун қасосга ҳожат бўлмас экан.

Олимлар Перуда бўлган воқеани айтиб берганларида ким ишонди, ким ишонмади. Матбуотда эълон қилингач, маълум бўлдики, чиндан ҳам мўмиёнинг қабрдан чиқиб, ўғриларни бўғиб, нобуд қилган ҳоллари учрар экан. Афсоналарда «ўлик жонларнинг қасоси» ҳақида гапирилади. Хусусан, бу рус халқ оғзаки ижодида ҳам учрайди. Унда ҳикоя қилинишича, XIX асрда Олонец губерниясида қуйидагича воқеа юз берган:

Тайга дарёларидан бирида овчи қуш тухумидек ёмби топиб олади. Овчи уни сотмай уйига олиб келади. Негаки, тушида у олтин эмас, «барака» топиб олганини кўради. Чиндан ҳам овчининг уйида мўл-кўлчилик бўлиб, уйидан қут-барака аримай яшайди. Овчи вафот этгач, ёмби хотинига қолади. Аёл уни жиянига бериб, ўлса уни аёл жасади билан бирга қўшиб кўмишни, у эса жиянига қутбарака етказиб туришини васият қилади. Жияни Михайло аммасининг айтганини бажо келтиради. Кунлардан бир кун, Михайлонинг уйига қароқчи Онфим бостириб кириб, пичоқни бўғзига тўғрилаб олтин-ёмбини сўрайди. Михайло бўлган воқеани айтади. Қароқчи қабрни Михайлога қазитади. Шу дамда гўр тупроққа тўлиб, қароқчи ичида қолади.

Дунёда шундай ғаройиб воқеалар ҳам бўлади.

Оқил АБДУАЗИМОВ тайёрлади

Спорт

Байрамона туҳфа

Тошкентлик фигурали учиш устаси Татьяна Малинина маҳорати ошиб бораётганини яна бир бор намойиш этди. У Халқаро хотин-қизлар куни арафасида байрамона туҳфа соҳиби бўлди. Санкт-Петербургда «Гран-при» соврини учун ўтказилган нуфузли мусобақада нафис ҳаракатлар қилишни ўрнига қўйиб, бош совринни қўлга киритди. Ваҳоланки, нафосат бахсида Европа чемпионлари, халқаро мусобақалар совриндорлари бўлган россиялик Мария Бутирская билан Ирина Сулцкая ҳамда украиналик Елена Ляшченко ҳамда японияли Фумиэ Сугурилар ғолибликка асосий даъвогар эдилар. Шундай қилиб, Татьяна Финландияда ўтказилажак жаҳон чемпионати олдидан ажойиб ғалабага эришиб, мухлису мутахассислар эътиборини қозонди.

Зўрдан зўр чиққанда

Шундай бўлди. Умид билан қилинган Малайзия сафаридан қуруқ қайтишга тўғри келди. Гап шундаки, мини футбол бўйича биринчи марта Куала Лумпурда уюштирилган Осиё чемпионатида терма жамоамиз омади юришмади. «А» гуруҳида футболчиларимиз Япония (5:5), Малайзия (11:4) жамоалари билан учрашиб, Қозоғистон йигитларига (2:3) имкониятни бой бериб қўйишди. Натижада Қозоғистон ва Япония жамоалари ярим финалга чиқдилар. «В» гуруҳида эса Эрон ва Корея футболчиларининг омадлари келди.

Диққат!

«Махсусэнергогаз»
очиқ акциядорлик жамияти

Шуни маълум қиладики, акционерларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 1999 йил 9 апрель соат 14-00да жамият биносида бўлиб ўтади.

Рўйхатга олиш соат 13-00 да бошланади.

КУН ТАРТИБИ

1. 1998 йилнинг иш натижалари тўғрисида бошқарувнинг ҳисоботи ва 1999 йил учун вазифаларни кўриб чиқиш.
2. Ревизион комиссиясининг ҳисоботи ва 1998 йил учун дивидендлар миқдорини белгилаш.
3. Бошқа масалалар.

Манзил: Тошкент ш., Ҳ. Абдуллаев к., 32а-уй. Тел: 67-87-31.

«Махсусэнергогаз» ОАЖ бошқаруви.

«Ўзбектелефильм» студияси кинорежиссёр Анвар Яхъёевич Якубовга отаси
Яхъё ЯКУБОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши курортлар бошқармаси ва санаторий-курорт муассасалари жамоалари курортлар бошқармаси бошлиғи Йўлдошев Акмал Аҳмаджоновичга отаси
Аҳмаджон Йўлдошевич ЙЎЛДОШЕВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Нишон» ишлаб чиқариш кичик корхонасининг давлат регистрига хўжалик субъекти сифатида киритилганлиги ҳақидаги код ОКПО 15072991 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Ўзтуркаккумаш»
қўшма корхонаси

«ТИКО», «ДАМАС» янги автомашиналари учун «6 СТ-35» маркали аккумуляторларни ўзлаштириб ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.
Корхона бундан ташқари «6СТ-35», «6СТ-60», «6СТ-90», «6СТ-132», «6СТ-180» маркали аккумуляторларни мижозларга буюртма асосида исталган миқдорда пул ўтказиш йўли билан сотади

Манзил: Тошкент шаҳри, Султонали Машҳадий кўчаси, 210-уй.
Тел: 169-69-34, 169-69-06.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.

Факс —133-38-55,133-73-43

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Саида ЙЎЛДОШЕВА*, навбатчи *Соҳиб САЛИМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Дилором БЕКМУРОДОВА

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 27.366 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ.
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0177

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА